

Муносабат: Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичда
Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини, ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, аввало, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, оиласарни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларда ўз ифодасини топмоқда.

“Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони ҳам айнан ушбу ислоҳотларни мутлақо янги босқичга олиб чиқади.

Фармонда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, гендер тенглик, давлат ва жамият бошқарувидаги хотин-қизлар нуфузини ошириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга қўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу Фармон бизга, хотин-қизлар тизими ходимлари учун яна янги имкониятлар эшигини очди десак муболаға бўлмайди.

Бизга берилган бундай эътибордан фойдаланиб биз ўз олдимизга аниқ мақсад қилиб олдик: таълим ва фан соҳасида ютуқقا эришган қизларимизнинг ҳаёт тажрибаларидан фойдаланиб қизларимизнинг таълим олишлари учун барча тарғибот ишларини кучайтирамиз, ажрим ёқасидаги ва профилактик ҳисобга олинган, тазийқ ва зўровонликка ураган хотин-қизлар билан индивидуал ишлаймиз.

Ўтган вақт мобайнида хотин-қизлар фаоллари озми-кўпми тажрибага эга бўлди. Эндиликда бу тажрибани касбий маҳорат даражасига қўтариб, хотин-қизлар фаолини энг сара тарғиботчи даражасига олиб чиқишимиз керакки, маҳаллада хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини ошириш, репродуктив саломатлик, уларни касб-хунар ва таълимга йўналтиришимиз билан оилавий ажримлар ва хотин-қизлар жиноятчилиги олдини олишдир.

Зулфияхон САРИМСОҚОВА,

**Ўзбекистон тумани ҳокими ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бўлими
бошлиғи**

2023-12-26 09:42:29